

---

## “Саломатлик сайли” да аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан айни кунларда юртимиз бўйлаб кенг қамровда ўтказилаётган “Саломатлик сайиллари” акцияси Қўва туманида ҳам давом этмоқда.

Туман марказидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида ташкилланган навбатдаги соғломлаштириш тадбирида минглаб аҳоли республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг малакали мутахассислари ҳамда маҳаллий шифокорлар иштирокида чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилди.

Акция туман бўйлаб давом этмоқда.

2023-04-15 23:18:34